



ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ
ИНСОН МАНФААТЛАРИГА МУВОФИҚ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Республика илмий - амалий
конференцияси

Қарши -2017



МУНДАРИЖА

Т/р	Муаллифлар Ф.И.Ш.	Мақоланинг номи	бет
1	Г.Эрнизарова	Таълимни ислоҳот этиши – жамият тараккиятининг асосий мезонидир	3
2	С.Чориев	Малака ошириш тизимини инсон манфаатларига янада мослаштириш зарурияти хақида	5
1-ШУЪБА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ			
3	Т.Қурбонов, А.Ҳамидов	Ўқувчи-ёшларда маданий меросга бўлган муносабатни шакллантиришда – миллий мусиканинг ўрни	7
4	П.Норбутаяев, Р.Ражабов	Қашқадарё воҳаси дostonчилик анъаналари шаклланган ҳудудлар аҳолиси этнографик киефасига доир чизгилар	8
5	П.Норбутаяев, О.Ҳусанов	Педагогик технологияларнинг таълимдаги тарихий методологик асослари хусусида	10
6	А.Чориев	Амир Темур тарафидан Самарқандга чорланган дин пешволари	11
7	А. Чориев, Н.Қилчиева	Азизиддин Насафий таълимотида қомил инсон масаласи	13
8	А. Ҳамидов	Туризм соҳасини ривожлантиришда кадрлар салоҳияти	15
9	А.Во'stonov	Zamonaviy ta'limda kompetensiyaviy yondoshuv: tahliliy mulohazalar	16
10	С.Тошев, Н.Бозорова	Тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда ахборот технологияларининг ўрни	18
11	С.Тошев, Н.Бозорова	Ёшлар маънавиятининг қамолотида таълим-тарбиянинг ўрни.	20
12	Г.Ҳайитова	Халқ билан халқона мулоқот - унинг қалбига йўл топишда кўрнали	22
13	А.Дуланов, О.Ғайназаров	Ёшлар фаолиятида эстетик тарбияни амалга оширишнинг муаммолари	23
14	Н.Салимжанов	“Темур тузуклари” ва инсон манфаатларининг рўёбга чиқиши	25
15	Н.Салимжанов	Амир Темур ва мустақиллик қадрияти	27
16	Т.Қурбонов, Б.Юлдошев	Глобаллашув жараёнида таълим муассасаларида миллий истиклол ғоясини ўқитишнинг ўзига ҳослиги	29
17	А.Қориев	Ёшлар тарбиясида миллий ғоянинг аҳамияти	31
18	Н.Сафарова	Ўқувчиларни миллий истиклол ғояси ва мафқураси руҳида тарбиялаш	33
19	У.Толлибоева	Ўқувчи ёшларни ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш омиллари	35
20	Н. Ahmedova	O'quvchi yoshlar ongida g'oyaviy bo'shliqlarni aniqlash va ularni to'ldirish usullari	36
21	М.Усманова	Ижтимоий фанларни ўқитишда инновацион педагогик техноло-гиялардан фойдаланиш – инсон манфаатларининг муҳим омили	38
22	Р.Бойматов	Фалсафани англаш зарурияти	41
23	Д.Абдумаликова, Н.Раҳмонова	Ижтимоий фанларини ўқитишда ватанпарварлик, халқ-парварлик ва инсонийлик фазилатларининг сингдирилиши	42
24	О.Буриев, А.Ҳасанов	Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг долзарб муаммолари	44
25	М.Тухтастнов	Малака ошириш таълими ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш йўллари (“Csore” интерфаол усули мисолида)	46

АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ ТАЪЛИМОТИДА КОМИЛ ИНСОН МАСАЛАСИ

*А. Чориев – ҚДУ, проф.,
Н. Қиличева - ҚарДУ магистранти*

Азизиддин Насафийнинг педагогик мероси алоҳида ўрганилиши тасаввуф таълимоти ва педагогика тарихи ўзаро боғлиқлиги инсонни комплекс тадқиқотига янги йўналиш очган бўлади. Н.Комилов таъкидлаганидек, XIII аср Шарқ халқлари маънавияти ва тафаккури тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврга келиб, калом илми, фалсафа ва тасаввуф камол топди. Натижада ҳар учала соҳани бирлаштирган ажойиб олимлар ва мутафаккир адиблар етишиб чиқди. Ана шундай мутафаккирлардан бири атоқли ватандошимиз Азизиддин ибн Муҳаммад ан Насафийдир¹. Азизиддин Насафийнинг “Кашфул ҳақойиқ” (Ҳақиқатларни очилиши), “Зубдатул ҳақойиқ” (Ҳақиқатлар қаймоғи) асарларида Шарқ фалсафаси ва ҳикмати, исломий ҳақиқатлар омухта этилган тасаввуф ва фалсафани кўшиб, комил инсон таълимотининг ривожланиш босқичлари ўз ифодасини топган.

У ҳаётий инсонни, одам туғилганидан камол топгунгача бўлган жараёни изчил асослайди. У комил инсоннинг ижтимоий моҳиятини, шаклланиш жараёнини илмий таҳлил этади, ислом таълимотига қарашларни чоғиштиради.

“Зубдат ул ҳақойиқ” китобининг кириш қисмида муаллиф олами кубро ва олами суғро ҳақида бир рисола битишни, “барча илм аҳли фикр - мулоҳазаларни холисона баён этиб” берганини ёзади

Боб мундарижасининг мантқан изчиллиги китобни илмий кимматидан далолат беради. Биринчи боб олами кубро (катта оламини билиш) ҳақида, у уч фасл (қисм)дан иборат: Биринчи фасл шариат аҳлининг сўзлари, иккинчи фасл ҳикмат аҳли сўзлари, учинчи фасл ваҳод аҳлининг сўзлари баёнида, аввало, олами куброни билиш зарурлигини олам тушунчасининг моҳияти, кичик инсон олами (инсони суғро), улуғ инсон (инсони кубро) ва катта олам муҳитини ифодалайди. Биринчи боб, биринчи фаслда олам ва одам муаммоси ҳақида шариат аҳлининг ғояларини умумлаштиради. Шариат аҳлининг инсоний камолотда чегара, меъёр “тақдири азал” ҳақидаги қарашларга эътироз билдиради.” Бинобарин одамларнинг сўзлари ва фаолият ишлари учун олдиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг саъи - ҳаракатига боғлиқ: одам қанча кўп ғайрат қилса, билим ва даражаси шунча ортади. Яхшилик ва ёмонлик қилиш, кам ейиш ёки кўп ейиш - инсон ихтиёридаги иш, у қанча меҳнат ва куч сарфласа, шунча имкон топади (Азизиддин Насафий. Зубдат ул ҳақойиқ -Т.: “Камалак”, 11 бет).

Азизиддин Насафий шариат аҳлининг мутлоқ олам ва одам ҳақидаги қарашларини руҳ ва руҳнинг даражалари, “жисм даражалари”ни мукаммал таҳлил этади. “Ҳикмат аҳлининг улуғ олам” бобида инсоннинг ўрни, инсоний фазилатлари борасидаги ўша давргача бўлган қарашларни таҳлил қилади. Ҳикмат аҳли икки хил вужуднинг мавжудлигини тан олиши бири азалий, иккинчиси ўткинчи эканлигини таъкидлайди. Уларнинг фикрича “Вожибул-вужуд Раббил оламиндир имконий вужуд Тангри таоло яратган оламдир”.

Табиатнинг ранг-баранглиги, ўзгариб туриши инсон камолотига таъсири ҳақида шундай дейди: “Одамлар ўртасидаги фарқлар ана шу айтилганлардан келиб чиқади,” яъни улар (жонларнинг қайси манбаадан тугани ва азминан арбаа (тўрт фасл)нинг ҳосиятидан келиб чиқади”. Бахт ва бахтсизлик, заковат тўндлик, қашшоклик ва бойлик, улуғворлик ва пастлик, умрнинг узоклиги ва қисқалиги ҳамда бошқаларнинг ҳаммаси фасллар ҳосиятининг алоҳида таъсиридир. Пайғамбарлар, авлиёлар, ва донишмандлар бир овоздан замон ва маконнинг ҳамма нарсага, айниқса, одамга кучли таъсири борлигини тасдиқлайдилар.

Азизиддин Насафий инсон тақдири ва уни тарбиялашдаги тадбир ўзаро боғлиқлигини, шахсни шакллантиришда фаолият ҳал қилувчи омил эканлигини асослайди. “Тақдир ҳам, тадбир ҳам бир нарса” фикр ва тадбирлар таъсир кучига эга, аммо инсоннинг ҳиммати

¹ Азизиддин Насафий “Зубдат ул ҳақойиқ” Т. “Камалак”. 1995 йил 11 б

(ингилиши) ва орзуси бу сифатларга эга эмас. Ҳа, кўп донишмадлар, солихлар фарзанд тарбиялайдилар, ўз болаларини ўзларига ўхшашига ҳаракат қиладилар. Аммо, улар “донишмадларнинг болалари жохил ва фоҳиш бўлиб етишадилар, ҳа, қиссахон ва ҳуш овоз хонандалар бола чака қилиб болаларини ўзларига ўхшашлари учун куч сарфлайдилар. Йўқ, аксинча, уларнинг болалари ҳокимлар ва солих такводор шахслар бўлиб етишадилар”.

Проф. Н.Комилов “Тасаввуф” китобида ёзганидек, “Насафий исломдаги бир нечта илмнинг инсонга бўлган қарашлари муносабатини чоғиштиради, инсонни қайҳоний вужуд сифатида ҳам, ер маҳлуқоти сифатида ҳам таҳқиқ ва тадқиқ этади. Насафийда қомил инсон руҳ тушунчаси билан зид алоқада текширилади. Инсон мартабалари руҳ мартабалари сифатида олиб қаратади.

Азизиддин Насафий қомилликка эришишнинг асосий йўлларидан бири ҳам инсон ўзлигини англаши деб билади. У китобхонга мурожат қилиб, “Эй пири дарвеш ҳамма бир нарсага иқрордир. Қимқи ўзини англаган, ўзини таниган бўлса, Раббини англайди ва танийди. Ўзини таниган киши улуғ олам (олам қабр)ни ҳам англайди: - шунинг учун барча қучни ўз-ўзини англашга сарфлаш лозим”, деб ёзади деди.

Албатта, қомил инсон сийратининг моделини яратиш ҳам долзарб муаммодир. Қомил инсон сийратини яратишда кишилик жамияти тарихий таракқиётидаги тажрибалар умумлаштирилган. Лекин, ҳар бир даврнинг қомил инсонини ўзига хос мезони, модели бўлади. Масалан, ўтган асрларда барқамол инсонга компьютер техникасидан фойдаланиш маҳоратини эгаллаши талабини қўйиш ғайри табиий ҳол бўлар эди.

Азизиддин Насафий ўз даври учун қимматли аҳамиятга эга бўлган қомил инсон сийратини яратган. Унинг меросининг аҳамияти шундаки, қомил инсонни шакллантириш жараёнини илмий асослайди. Ўша даврда уруғдон бола учун она қорнида шаклланиш жараёнини физиологик таҳлил қилади. Китобнинг “қичик олам” ҳақидаги иккинчи боби “инсон ва инсон даражалари тўғрисида”, “Одамга қамолотга эришиш учун зарур бўлган жами нарсалар уруғда мужассам” деб ёзади. Бу билан шахснинг қамолотидаги ирсиятнинг ўрни ва унинг табиат таъсирида ривожланиш жараёнини илмий асослашга эришган.

Дастлаб бола дунёга келгунгача бўлган ривожланиш жараёнида одамнинг мажозий хусусиятлари она қорнидаёқ таркиб топишини ифодалайди. Бу бобда бир одам аззосининг шаклланиши, ҳар бир аззо вазибаларининг атрофлича таҳлилин қўрамыз.

Иккинчи бобнинг “олтинчи фасли”да мианинг вазибалари, инсоннинг психологик хусусиятлари қуйидагича таҳлил этилади. “Билгилки, миёда жойлашган қўнғил (жон) руҳ-англовчи, бекор этувчидир. Унинг англаш (тушуниш) фаолияти икки қўрнинишга эга. Биринчиси Зоҳирий ва ботиний (фаолият). Зоҳирийда миё беш қисмдан иборат, яъни булар ташқи ҳислар бўлиб, улар бештадир: эшпиш, қўриш, бадан билан сезиш, таъм билиш, ҳид билиш; ички (ботиний) ҳислар ҳам бештадир: ақли солим (маъно), тасаввур, таҳайюл, хофиза, қувваи қиёс” (Азизиддин Насафий, Зубдат ул ҳақойик. Т.: “Қамалак”).

Мутафаккир инсоннинг улуғлиги, буюқлиги ҳам бошқа жонзодлардан устуңлиги ҳам унинг руҳий фазилатларида деб билади. Инсоннинг поғоналар бўйича қўтарилиш асоси унинг руҳий фазилатлари илм – маърифат ва фаолиятида эканлигини ифодалайди. “Инсон илмининг даражаси оширилган сари олиўжаноброқ ва буюқроқ бўлади”- деган ҳулосага келади.

Азизиддин Насафийнинг қомил инсон ҳақидаги таълимоти асосида ўзликни билишга ингилиш ғояси ётади. Китобни иккинчи бобида бу фикр давом эттирилади. “Эй дарвеш, ахлоқий ҳислатларга безанмаган, ўзини танимаган одамлар қўп, аммо улар ҳали қомил эмас. Бинобарин, инсонни қамолотга эришиши тугал ахлоққа эга бўлиш ва ўз-ўзини таниши билан амалга ошади.² Мутафаккир ўзи таъкидлаганидек, “инсон ва инсоний мартабалар ҳақида” ҳеч қим ёзмаган “бу хиру ботин дўқони ва ўз-ўзини англаш қалитидир”¹³, деган ҳулосага келади. Азизиддин Насафийнинг қомил инсон, инсонни бир бутунликда ўрганиш, “Рух ва жисм”

¹ Азизиддин Насафий. Зубдат – ул Ҳақойик -Т.: Мехнат, 2001.

ривожланиши уйғунлиги бугунги кунда инсоншунослик фанларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш этиди.

Агар “Авесто” китобида комил инсон фазилатларида “эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал” ифодаланган бўлса, Азизиддин Насафий буни қуйидагича ифодалайди: “Солиҳларнинг қайси қуйидаги тўрт нарсадир, яъни хайрли сўз, хайрли иш, хайрли хулқ ва маърифат.” Тарбия инсондаги, имкониятларини ошириш, уни қобилиятларини рўёбга чиқариш воситасидир деган хулосага келади.

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ

А.Ҳамдамов - ЎзМУ, Тарих факультети 2-курс талабаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи барча юртдошларимиз қатори биз талабаларни ҳам тўлқинлантириб юборди. Жаҳоннинг энг катта минбаридан туриб бор-йўғи ўн саккиз дақиқада йигирмадан ортик эзгу фикрлар, эзгу мақсадлар ҳеч бир кишининг назаридан четда қолмаган бўлса керак. Дарҳақиқат, ушбу тарихий нутқда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, ҳаётий таклифлар нафақат минтақамиз, балки бутун дунё аҳли учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг чиқиши жаҳон жамоатчилиги томонидан катта кизиқиш билан кутиб олинди. Энг аввало, Президентимизнинг БМТнинг юксак минбаридан туриб сўзлаган нутқи Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги, бошқа давлатлар орасидаги нуфузини, обрўсини яна бир поғона юқорига кўтарди.

Президентимиз томонидан айтилган ҳар бир сўзда асос бор. Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, келажагимиз учун маёк вазифасини ўтаётган “Ҳаракатлар стратегияси”, барча соҳаларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, айниқса, бугунги кунда Ўзбекистонда ёшларга қаратилган имкониятлар, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кенг имкониятлар яратиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир” мавзuida “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида, “Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларни модернизация қилиш ва янгилаш жараёнлари янги босқичда жадал олиб борилаётганлиги, ана шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, мамлакатимизда ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўла оладиган, мутлақо янги ташкилот – Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этиш асосида, ҳар қандай ислоҳот, хусусан, миллионлаб ёшларнинг ҳаёти ва келажагига бевосита дахлдор бўлган ўзгаришлар ҳар томонлама чуқур ўйлаб иш тутишни, етти ўлчаб, бир кесишни талаб этиш”¹ини таъкидлаб ўтди.

2017 йил 16 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3217-сон қарори асосида, 2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларда мамлакатимиз туризм индустрияси жадал ривожланиши учун қисқа муддатда энг қулай шарт-шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш, жумладан, соҳада хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш, унинг рақобатбардорлиги ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суриш мақсадида:

Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

¹ Мирзиёев Ш.М. “Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир” мавзuida “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. Маърифат.- 2017.- 1 июл, №52.